



Мамадияров З.Т.,
ТДИУ, «Банк иши ва инвестициялар»
кафедраси мудири, Ph.D, доц.

Махмудов Ф.С.,
ТДИУ, Магистратура бўлими
магистранти

МАМЛАКАТНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада инвестиция жозибadorлиги тушунчаси, Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларни тузиш ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш масалалари, мамлакат инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар, жаҳон амалиётида бир муайян ҳудудга маблағ киритишдан аввал илгор усуллар ёрдамида ўша ҳудуднинг инвестицион муҳити ва хорижий инвестициялар учун ҳудуд жозибadorлигини баҳолашнинг «BERI» индексидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестиция жозибadorлиги, инвестиция муҳити, инвестиция risks, инвестицион-инновацион фаолият, хорижий инвестиция, инвестор.

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие инвестиционной привлекательности, создание благоприятного инвестиционного климата в Узбекистане для создания и финансирования инвестиционных проектов, факторы, влияющие на инвестиционный климат страны, инвестиционный климат в регионе и привлекательность региона для иностранных инвестиций. Предложения и комментарии по эффективному использованию индекса «BERI».

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная привлекательность, инвестиционный климат, инвестиционный риск, инвестиционно-инновационная деятельность, иностранные инвестиции, инвестор.

Annotation: This article discusses the concept of investment attractiveness, the creation of a favorable investment climate in Uzbekistan for the creation and financing of investment projects, the factors affecting the country's investment climate, the investment climate in the region and the attractiveness of the region for foreign investment. Suggestions and comments on the effective use of the index «BERI».

Keywords: investment, investment attractiveness, investment climate, investment risk, investment-innovative activity, foreign investment, investor.

Инвестиция жозибadorлиги мамлакат ёки алоҳида олинган тармоқ инвестицияларининг даромадлиги, инвестиция муҳити, инфратузилма, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция risks даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестиция жозибadorлиги мамлакат инвестиция салоҳияти ва инвестиция risks даражасинининг

бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибадорлигини аниқлаш мумкин бўлади. Инвестиция rischi даражаси инвестиция муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Инвестиция муҳити макроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир. Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир.

Иқтисодиётда инвестицион-инновацион фаолиятнинг асосий мақсади инвестициялар асосида инновацион имкониятлардан фойдаланишни ривожлантириш ва жадаллаштириш учун оптимал шарт-шароитларни яратиш беришдан иборат. Шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестицияларни киритишда ташкилий-иқтисодий механизмларнинг характери ва шакллари инобатга олиш керак. Инвестицион-инновацион фаолиятнинг самарадорлиги лизинг, суғурта, илмий-тадқиқот институтлари, ахборот-консалтинг шохобчалари, банклар ва бошқа ташкилотларни қамраб олган инвестицион мажмуа тизимида таъминланади.

Инвестицион-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- лизинг фаолиятини фаоллаштириш, бу эса ўз навбатида молиявий маблағларнинг етишмаслигини юмшатади, лизинг тўловларини белгиланган график асосида ва соддалашган шартнома ва схемалар бўйича амалга ошириш имконини беради, давлат ва лизинг компанияларининг ўзаро манфаатларини яқинлаштиради ва пировард натижада тармоқда таваккалчиликни пасайтириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш учун оптимал иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш беради;
- бюджет ссудаларини, инвестицион солиқ кредитларини тақдим этиш, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш;
- имтиёзли солиқ тўловларини жорий этиш;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш.

Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро хўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек хорижий инвестицияларнинг инфратузилмалари яратилмоқда. Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир.

Хусусан, хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан қафолатланади.



Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларни тузиш ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Уларнинг негизда иккита асосий омил ётади:

– иқтисодий барқарорлик;

– инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта-сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, шу жумладан, аҳоли маблағларини жалб этишда кредит институтлари, хусусан, ташкилий жамғармаларнинг 80-90 фоизини тўплайдиган банклар муҳим рол ўйнаши лозим. Инвестиция муҳитини баҳолаш жараёнида инвестор инвестициялашнинг риск даражасини қанчалик эканлигини аниқлайди. Инвестиция муҳити даражаси қанчалик ёмон бўлса, инвестор ўз тадбиркорлик рискин шунчалик юқори белгилайди. Инвестиция муҳитини макроиқтисодий даражада қуйидаги расм кўринишида тасвирлаш мумкин (33-расм).



33-расм. Мамлакат инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар.¹

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга қатта эътибор қаратилиб, инвесторларга кўмаклашиш ва қафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва қафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта қафолатини тақдим этиш имкониятини яратди. Яна бир жиҳат валюта курси барқарорлиги ҳам инвесторлар учун ҳам муҳим жиҳатлардан биридир.

Шунингдек, хорижий инвестициялар учун худуд жозибалилигини баҳолашда кўпчилик хорижий инвесторлар ҳам «BERI» (business environment risk index) индексидан фойдаланадилар. Қуйидаги 34-расмда баҳолаш мезонлари, уларнинг инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиқиб акс эттирилган.

¹ Эргашева Ш., Узоқов.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008. 37-б.



34-расм. Хорижий инвестициялар учун худуд жозибadorлигини (мафтункорлигини) баҳолашнинг «BERI» индекси.¹

«BERI» индекси мамлакат инвестиция муҳитини турли ҳажмга эга бўлган 15 та баҳолаш мезонларига асосланади. Ҳар бир мезонга 0 дан (тўғри келмайди) 4 гача (ўта қулай) баҳо берилади. Тўпланган балларнинг юқори бўлиши «барқарор мамлакат»ни англатади. Мамлакат тўплаган балл қанчалик паст бўлса, инвестициялашдан олиниши мўлжалланган фойда юқори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестициялаш самара келтирмайди. Юқорида келтирилган 34-расмга асосан, «BERI» индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 фоиз) энг катта аҳамиятга эга.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 йилдаги №ПФ-5177 сонли фармони² ҳамда «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори³ ва «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли⁴ ва Ҳаракатлар стратегиясига⁴ мувофиқ

¹ Эргашева Ш., Узоқов.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008. 37-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли Фармони

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони



ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра «BERI» индекси орқали капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳити таҳлил қилиниб, инвестицияларнинг тавакалчилик даражаси аниқланади. Иқтисодиётга сифарбар қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган ICOR (incremental capital-output ratio) кўрсаткичи мамлакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

Хорижий инвесторлар рейтингдаги маълумотлардан вақтни тежаш мақсадида кенг фойдаланадилар. Мамлакатнинг рейтинги юқори ёки пастлиги албатта, катта аҳамият касб этади. Лекин шу рейтингга киришнинг ўзи ҳам инвесторларда ушбу мамлакатга нисбатан у ёки бу даражада ишонч уйғотади.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий дастурлари самарасини ошириш, уни доимий мониторинг қилиш, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган «Ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш» концепциясини ишлаб чиқиш керак.¹

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини шакллантиришни янада такомиллаштириш ва мамлакат иқтисодиётининг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш мақсадида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, яъни инвестицияларни фонд бозори орқали, венчурли молиялаштириш, лизинг, синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишда халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган ҳудуд инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашнинг «BERI» (business environment risk index) индексидан, мамлакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ICOR (incremental capital-output ratio) кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



¹ Норов А.Р. Иқтисодиёт ривожда инвестиция ва инвестицион кредитлашнинг муҳим омиллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил.